

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНиятлар яратилади

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллион нафарга кўпайди. Шунга мос равишда янги уйлар, йўллар ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўлами кенгайиб бормоқда. Ўтган даврда 210 миллион квадрат метр турар ва нотурар жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳоли учун 565 мингта, аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп хонадон қурилди.

Қурилиш материалларининг саноати учун ҳам катта имкониятлар яратилди. Унинг ҳажми сўнгги саккиз йилда 4 баробар ўсиб, жорий йилда 53 триллион сўмга, экспорти эса 1,1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Энг муҳими, бу тармоқ Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ва Жиззах вилоятларининг илгари саноати бўлмаган туманларида иш ўрни ва даромад манбаи яратадиган катта “драйвер” соҳага айланди.

Шу билан бирга, соҳада маҳсулотлар сифати ва стандартларга риоя этиш, логистика масалалари, янги бозорларга чиқиш билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Жумладан, ПВХ-кувур, фитинглар, пардозбоп тош ва қурилиш ойнаси ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар мавжуд бўлса-да, 2024 йилда ушбу маҳсулотлар

катта ҳажмда импорт қилингани кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда келгусидаги асосий режалар баён қилинди.

Хусусан, тармоқда 2,4 миллиард долларлик 112 та лойиҳани амалга ошириш, улар орқали 13,5 мингта иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Стратегик аҳамиятга эга 110 миллион долларлик яна 5 та йирик лойиҳа амалга оширилади. Келгуси йилларда лойиҳалар портфелини 3,5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз бу лойиҳалар ҳар бир вилоят ва туманининг мавжуд захиралари, хомашё базаси ва логистика имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши зарурлигини таъкидлади.

Қўшни мамлакатларда 4 миллиард доллардан зиёд қурилиш материаллари бозори бор. Бундан ташқари, 26 мамлакатта 9 та маҳсулот экспортини кескин кўпайтириш имкони мавжуд.

Мутасаддиларга ҳудудлар ва тармоқларнинг экспорт имкониятларини тўлиқ ишга солиб, ташқи бозорларга чиқишни фаоллаштириш, экспортбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш топширилди.

Тақдимотда каолин захираларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам

ўрганилди. Юртимизда 1 миллиард тоннадан ортиқ каолин бўлишига қарамай, ҳар йили миллионлаб долларлик чинни импорт қилинаётгани қайд этилди. Шу боис, келгуси йилда каолинни чуқур қайта ишлаш бўйича 515 миллион долларлик 40 та лойиҳани амалга ошириш ва 460 нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

Тармоқда энергия самарадорлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунгача 34 та корхонада энергия аудитининг ўтказилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ёқилги миқдорининг камайишига эришилди.

Бу ишларни тизимли давом эттириб, ишлаб чиқарилаётган энергия тежовчи маҳсулотларнинг турини кенгайтириш, қурилишда фойдаланиладиган энергия тежамкор ва экологик маҳсулотларнинг улушини келгуси йили 25 фоизга, 2030 йилга қадар эса 35 фоизгача етказиш вазифаси қўйилди.

Маҳсулот сифати ва хавфсизлигини оширишда илм-фаннинг ўрни муҳимлиги, олимларимизнинг салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада Тошкент кимё-технология институти билан ҳамкорликда 4 та илмий

лойиҳа амалга оширилмоқда, Германия, Корея ва Туркиядан олимлар жалб этилган. Амалиёт ва фан интеграциясини кучайтириш доирасида келгуси йилда қурилиш материаллари йўналишидаги илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун 30 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Корхоналарда рақамли бошқарув ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали таннархни 5-10 фоизга қисқартириш мумкинлиги таъкидланди. Бундай тизимлар жорий этиладиган корхоналарни кўпайтириш мақсадида икки йил давомида 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнида қурилиш материаллари соҳаси ҳам халқаро талабларга мослаштирилмоқда. Ўтган даврда бу борада 125 та халқаро стандарт қабул қилинди. 2026 йилда бунинг 166 тага етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз белгиланган режаларни амалга ошириш, юқори сифатли ва халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

МИНТАҚА БИРЛАШУВИ — ШУНЧАКИ СИЁСИЙ МАҚСАД ЭМАС, СТРАТЕГИК ЗАРУРАТ

Демократик ислохотларни янги босқичга олиб чиқаётган мамлакатлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг очик бошқарувга асосланган сиёсий тизимини янгилаш борасида изчил саъй-ҳаракатлар йўлидан бормоқда. Жумладан, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарувини оптималлаштириш натижасида қатор ижтимоий ўзгаришлар юз бераётир.



Давлатимиз раҳбарининг “Марказий Осиё янги давр оstonасида” сарлавҳали мақоласида минтақамизда тараққиётнинг янги ва тарихий аҳамиятга кўра чинаяк бирдамлик босқичи бошлангани ҳамда қардош халқлар билан ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини шакллантиришга қаратилган теран фикрлар баён этилган.

Қайд этилганидек, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун давлатлар даражасида зарур шароит яратилган. Бу масалада минтақада барқарор ривожланишни таъминлаш ва одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан биргаликда фойдаланадиган умумий макон яратиш мақсад қилинган. Мазкур жараён умумий қадриятлардан келиб чиқиб, минг йиллар давомида оғани бўлиб келган, тарихи ва тақдири туташ халқларимиз Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажига дахлдор масалаларни бамаслаҳат, ҳамжиҳатлик билан ҳал этаётгани минтақа

лидерларининг яқдил фикрга эга эканини билдирди.

Бу масалада Президентимизнинг тақлиф ва ташаббуслари муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги икки-уч ойда АҚШ-га икки марта ташриф, ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда ўтказилган 43-сессияси, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бунга яққол далилдир. Ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳида ўтказилаётган бу каби саммитлар келгусида минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан янада жипс ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади”, деган фикри, айниқса, эътиборини тортиди.

Давоми 3-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ЙИЛ ЯКУНИГАЧА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ 6 ФОИЗГАЧА КАМАЯДИ

38 миллион нуфусли халқимиз учун фаровон ва тўқис ҳаёт яратиш бугун Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Камбағаллик ва ишсизликка қарши кураш бу борада муҳим аҳамиятга эга. Аини йўналишдаги ўзгаришлар миқёсига ҳаққоний баҳо бериш учун эса бундан ўн йиллар олдинги вазиятни эслаш лозим.

Уша пайтда ижтимоий ҳаёт куюқ туман остида, камбағаллик ибораси эса даяри қўлланмас эди. Одамлар огир шароитда яшар, аммо расмий ҳисоботларда бу муаммо мавжуд эмасдек кўринарди. Статистикада рақамлар яшириллар ёки ҳаққоний воқеликни акс эттирмайдиган, ҳеч нарсани англатмайдиган қуруқ маълумотлар бериларди. Миллионлаб оилалар огир

Ислохот одимлари



вазиятда тирикчилик қилар, давлат уларни гўё кўрмасди.

Моддий ёрдамга эҳтиёжманд оилалар кўпинча ёрдамдан четда қолар, камбағаллик муаммосини комплекс ҳал қиладиган

институтлар мавжуд эмасди. Муаммо одамларнинг ўзига ташлаб қўйилганди.

Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли бу муаммо ҳақида очик-ойдин гапирила бошланди. Энг муҳими, мамлака-

тимизда аини йўналишда кенг кўламли ислохотлар бошлаб юборилди. “Инсон қадри учун” тамойили бу ишларга асос бўлди.

Давоми 2-бетда

Мулоҳаза

ИНСОН КАПИТАЛИ: ГЛОБАЛ МЕҲНАТ БОЗОРИ АСОСИ



Инсон қадимдан саёхатга мойил бўлган. Баъзан бу йўллар қишлоқдан шаҳарга, баъзан мамлакатдан мамлакатга, баъзан эса инсоннинг ўзидаги қадриятларни қайта кашф этишга олиб келади. Замонавий дунёда аксарият инсонлар тирикчилик, яхши яшаш каби омиллар орқали миграция оқимини шакллантирмоқда.

Дунёда ўзгаришлар шиддати кучайган сайин миграция фақат ижтимоий жараён эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим ҳодисага айланиб улгурди. Масалан, ривожланган давлатлар ташқи ишчи кучини жалб этиш орқали саноатини ривожлантирса, бошқа давлатлар инсон капиталини тўғри йўналтириш орқали ички барқарорлиқни — ишсизлик ва камбағалликни камайитириш имконига эга бўлмоқда. Эҳтиёж ва тақлиф муносабати эса бу жараёни глобал иқтисодиётнинг муҳим омилларидан бирига айлантирди.

Аммо танганинг иккинчи томони бўлганидек, кўп ҳолатларда мигрантлар ноқонуний ишга жалб этилиб, адолатсиз муносабат-

ларга дучор бўлмоқда. Шу боис, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи ҳар бир давлат учун масъулиятга айланмоқда. Инсон қаерда бўлмасин, унинг меҳнат қилиш, дам олиш, шаън ва қадр-қиефасини асраш ҳуқуқи дахлсиз бўлиши шарт. Афсуски, айрим мамлакатларда мигрантлар арзон ишчи кучига айлантирилаётгани, улар ноҳақ жазолар, паспортларни олиб қўйиш, меҳнат ҳақини тўламастик ва инсон шаънини камситиш кабиларга дучор бўлиши ҳали-ҳануз ураб турибди. Бу фақат ҳуқуқий муаммо эмас, балки инсонийлик синовидир.

Давоми 2-бетда

Марказий Осиё ҳозир ўзининг янги тарихий босқичига қадам қўймоқда. Бу босқичнинг мазмуни ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик, очиклик ва умумий манфаатларга таянадиган янгича сиёсий воқелиқдир. Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр оstonасида” номли мақоласи бу жараёнлар чуқур таҳлил қилингани ва минтақани ривожлантиришнинг узок муддатли йўналишлари белгилаб берилгани билан аҳамиятли.

Нуқтаи назар

БАРЧА УЧУН ТЕНГ ҚОЙДАЛАР

ҲАММАГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ



Бугун Марказий Осиёда юз бераётган ўзгаришлар фақат геосиёсий майдонда эмас, балки иқтисодий, илмий ва технологиялар соҳаларида ҳам мисли кўрилмаган янгилашга асос бўлмоқда. Бу жараёнда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимининг стратегик аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Чунки ҳар қандай савдо, ҳар қандай кооперация, ҳар қандай хизмат ёки маҳсулот айирбошлаш айнан техник талаблар ва стандартларга асосланади.

Давлатлар ўртасида экспорт-импорт операциялари қанчалик кўпаяётган бўлса, уларнинг ўзаро техник регламентлари, логистика стандартлари, хавфсизлик меъёрлари ва метрологик ўлчаш воситалари шунчалик уйғун бўлиши зарур. Бозорнинг очилиши, интеграция жараёни, чегара орқали товарлар ҳаракати тезлашиши — буларнинг барчаси техник инфратузилманинг барқарор ишлашига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари мақоласидаги асосий гоялар — минтақавий яқинлашув, стратегик шериклик, чегаралар очиклиги, иқтисодий ҳамкорлик, инфратузилмавий лойиҳалар, сув-энергетикадаги келишувлар, Афғонистон билан боғлиқ йўналишлар — барчаси техник жиҳатдан тартибга солиш тизимида тўғридан тўғри таъсир қилади.

Ўзбекистоннинг техник жиҳатдан тартибга солиш тизими фақат техник регламент ва стандартлар тўпламидан иборат эмас. Бу — миллий иқтисодиёт хавфсизлиги, ишлаб чиқариш сифатини бошқариш, маҳсулот ва хизматлар хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро савдо тўсиқларини қисқартириш, инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қиладиган фундаментал тизимдир.

Давоми 4-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ЙИЛ ЯКУНИГАЧА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ 6 ФОИЗГАЧА КАМАЯДИ

Ислохот одимлари

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб иш ўринлари очиш, оилалар даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар қилинди. Барча қарор ва дастурлар аҳоли, хусусан, ёшлар ва аёлларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун имконият яратишга йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан камбағалликка қарши кураш умуммиллий ҳаракатга айланди. Жаҳон банки ва БМТ институтлари билан ҳамкорликда халқаро тажриба асосида камбағаллик мезонлари ишлаб чиқилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда пенсия, нафақа ва ижтимоий ёрдамлар

миқдори минимал истеъмол харажатида паст бўлмаслиги аниқ-тиниқ белгилаб қўйилди. Янги ташаббуслар синовдан ўтказилди, дунё амалиёти ўрганилди. Натижада мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришнинг Янги Ўзбекистон модели яратилди.

Манзилли ижтимоий дафтарлар жорий этилди. Улар эҳтиёжманд оилаларни қамраб олди. Жамиятнинг барча қатламини иш билан таъминлаш мақсад қилиб қўйилди. Маҳалла кесимида ишлаш тизими йўлга қўйилди ва у ўзини тўлиқ оқлади.

Ҳар бир хонадон билан индивидуал режа асосида ишланди. Оилалар даромадини ошириш учун ресурслар ажратилди. Ҳар йили 2,5-3 миллиард доллар маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, одамлар турмушини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.



Марат Жўраев, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари

Қишлоқ аҳолисининг даромадини ошириш учун пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилди. Аҳолига ер ажратишнинг янги механизмлари жорий этилди. Бу юз минглаб одамларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишда муҳим қадам бўлди. Фаол тадбиркорлар кўмағида томорқаларда юқори даромадли экинлар экиш ва ҳосилни қафоллати сотиш тизими йўлга қўйилди. Шу тариқа ҳар бир ҳудудда аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадини ошириш бўйича ўзига хос тажриба шаклланди.

Мана шундай кенг қўламли ислохотлар ва саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон 2030 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш бўйича олган мажбуриятини белгиланган муддатдан олдин бажаришга интиломоқда. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида аини йўналишдаги ишлар яна бир бор таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда бу йўналишдаги ишларни тўғри ташкил қилиб, маҳалла-маҳалла юриш орқали янги ташаббусларга йўл очилди, одамлар ҳаётини яхшилашга масъул вилоят, туман ҳокимлари ҳамда ходимларнинг моддий ва техник имкониятлари тубдан яхшиланди.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича жорий йилда қутилаётган натижалар ҳамда 2026 йилги режалар муҳокама қилинди.

Айни пайтгача эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқарилгани диққатга сазовор. Зеро, бу ўрта ҳисобда 1 миллион юрдошимиз хонадонига фэйз, қалбига хотиржамлик кириб борганини билдиради. Йил якунигача камбағаллик даражаси 6 фоизгача камайиши қутилаётгани, жорий йилда илк бор 1435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлангани эса катта натижадир.

Президентимиз бизга кейинги йилда ишсизликни камайтириш ва камбағалликни қисқартиришда лойиҳавий ёндашувлар асосида ишлаш топширигини берди. Ҳақиқатан, лойиҳавий бошқарув жуда қулай тизим. 2026 йилда 1 миллион фуқарони иш билан таъминлаш ва тўрт миллион кишининг даромадини сезиларли оширишни режа қилганмиз.

Кейинги йилдан “Тенг имкон — инклюзив бандлик” лойиҳаси жорий этилади. Бандлик жағғармасидан уларга 30 миллион сўмгача фойзсиз ссуда ажратиш йўлга қўйилади. Шу билан бирга, камбағалликка қайта тушиш хавфи мавжуд оилаларга бериладиган ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар сақлаб қолинади. Уларга 6 ой мобайнида моддий ёрдам ва болалар нафақаси тўланиши давом эттирилади. Боғча ва тўғарак харажатини қоплаш, даволаниш ордери бериш каби 110 та ижтимоий хизмат ва ёрдамдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланиш имкони берилади.

Бундан ташқари, оғир ҳаётий вазият сабабли камбағалликка тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилаларни олдиндан аниқлаб, уларга манзилли ёрдам кўрсатилади.

МИРАББОС АБДУЛҲАҚОВИЧ МИРЗААҲМЕДОВ

Миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг атоқли намояндаси, машҳур режиссёр ва телебошловчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мираббос Абдулҳақович Мирзааҳмедов шу йил 19 ноябрь куни 84 ёшида вафот этди.

М.Мирзааҳмедов 1941 йил 30 сентябрда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент театр ва рассомлик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)да кино ва театр санъати актрёри мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон телерадиоканализида режиссёр ёрдамчиси сифатида бошлаган истеъдодли санъаткор 60 йилдан зиёд вақт мобайнида “Ёшлар” тахририяти режиссёри, бош режиссёри, “Ўзбекистон” телеканалининг олий тоифали режиссёри, “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатувининг режиссёри ва бошловчиси каби лавозимларда самарали хизмат қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида долзарб мавзу ва жанрларда тайёрланган эшиттириш ва кўрсатувлар, баддий видеофильмлар миллий руҳи, теран мазмуни, халқчиллиги билан миллионлаб мухлислар қалбидан ўрин олди. Айниқса, устоз режиссёр томонидан тасвирга олинган “Баҳор қайтмайди”, “Излайман”, “Қалбнинг қулоқ сол”, “Баҳс”, “Уч илди”, “Дунёнинг ишлари” каби асарлар ўз даврининг ёрқин телефильмлари сифатида маданиятимиз хазинасидан муносиб жой эгаллади.

М.Мирзааҳмедов ўзининг нуруний ва донишманд қиёфаси, кўп йиллик билан ва тажрибаси билан марказий телеканалларимиз орқали 40 йилдан буюн намойиш этиб келинаётган “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатувига янгича руҳ ва мазмун



олиб кирди ҳамда ушбу дастур орқали жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий-маънавий муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, эл-юртимиз, айниқса, ёшлар ўртасида оила ва Ватанга муҳаббат, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат ғояларини тарғиб этишга катта ҳисса қўшди.

Бутун умр доимо изланиб, халқимизга сиққидилган хизмат қилиб келган заҳматкаш ижодкор ўзига хос маҳорат ва тажриба мактабини яратиб, кўплаб ёшларга устозлик қилди.

М.Мирзааҳмедовнинг мамлакатимиз маданияти ва санъатини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони, “Меҳнат шухрати” ва “Дўстлик” орденлари билан мукофотланди.

Таниқли санъаткор, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози Мираббос Мирзааҳмедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, С.ТУРДИЕВ

Меҳнат миграциясини тартибга солиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали Ўзбекистон глобал меҳнат бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлайди, келажак авлодларга илғор тажриба ва барқарор иқтисодий имкониятлар қолдиради. Шу боис, миграция фақат ҳаракат эмас, балки давлат ва инсоннинг бир-бирига боғланган келажаги масаласига айланмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, инсонларнинг иқтисодори ва малакасига қараб ишчи кучига эҳтиёжи бор давлатларга йўналтириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг хорижда ишлаши масаласи тасодиф ёки яққа саъй-ҳаракатлар даражасидан чиқиб, марказлашган, тизимли ва давлат сиёсати даражасида йўлга қўйилмоқда. Чунки миграция бугун бир инсоннинг ўз рўзгорини таъминлашга қаратилган ҳаракати эмас, меҳнат бозорининг мувозанати ва давлатнинг глобал меҳнат майдонидаги маъқеи билан ҳам боғлиқ. Шу мақсадда юртимизда одамларни чет элга тартибли, хавфсиз ва аниқ механизмлар асосида жўнатиш борасида янги қадамлар ташланмоқда.

Агар илгари юртошларимиз кўпинча паст маошли ва хавфсизлиги қафолатланмаган ишларга йўл олган бўлса, кейинги йилларда меҳнат бозори диверсификация қилиниши натижасида улар асосан юқори маошли ва расмий иш ўринларига йўналтирилмоқда.

Биргина мисол орқали ҳам бу жараённинг аҳамиятини теран тушуниш мумкин. Хорижда меҳнат қилаётган юртошларимиз сони 2016 йилдагидан камайган бўлса-да, улар юборган маблағ 3,8 миллиард доллардан 2025 йилнинг ўн ойи якунига келиб, 15,8 миллиард долларга етди. Бу рақамлар ватандошларимиз меҳнати ва салоҳияти орқали ўз меҳнатининг мевасини тотаётганидан дарак.

Кейинги йилларда дунё меҳнат бозорида малакали кадрларга талаб ортиб бормоқда. Ҳозир юртимизда хорижий иш берувчилар томонидан 140 минг мутахассис учун расмий буюртма мавжуд. Аммо бу буюртмаларга жавоб бериш ҳар бир мутахассиснинг тил билиши, касбий маҳорати ва халқаро мезонларга мос тайёргарлигига боғлиқ. Шундай экан, бу занжирнинг узвийлигини таъминлашда

халқаро талаблар даражасида хорижда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мактабини шакллантириш муҳимлиги ойдинлашиб бормоқда.

Бу жараённинг аҳамияти иқтисодий соҳадан ташқари маънавий ва маданий жиҳатларга ҳам боғлиқдир. Зеро, ҳар бир мутахассис хорижда орттирган тажрибаси билан мамлакатга қайтганда янги фикрлар, технологиялар ва инновацион ёндашувларни олиб келади. Бу инсоннинг ўз салоҳиятини синаши, ўзини янгиллаш ва жамият ривожига ҳисса қўшишига қаратилган кенг майдондир. Чет элда меҳнат қилиш инсон учун масъулият, ирода ва билимни баҳолаш имкони ҳамдир.

Бундан ташқари, миграция жараёнининг тўғри бошқарилиши давлатнинг стратегик фикрлаш қобилиятини намоян этади. Чет элда фаолият юритган фуқароларнинг билим ва маҳорати мамлакат келажак салоҳиятини белгилайди. Демак, бу масала фақат иқтисодий омил эмас, балки халқ тақдири, интеллектуал ресурс ва миллий истиқболга таъсир этувчи муҳим стратегик йўналишдир.

Миграция орқали юборилаётган маблағлар, орттирилаётган тажрибалар ва шаклланаётган билимлар — рақамлар тўпلامи эмас. Бу фуқароларнинг шахсий ва миллий салоҳиятини намоян этувчи, мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий таъриқиятини таъминлайдиган кучли омилдир. Шу боис, ушбу жараённи тартибга



ИНСОН КАПИТАЛИ: ГЛОБАЛ МЕҲНАТ БОЗОРИ АСОСИ

солиш, инсон капиталини ривожлантириш ва ҳар бир migrantнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

18 ноябрь куни давлатимиз раҳбари ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш ва миграция жараёнларини халқаро стандартлар асосида йўлга қўйиш масалаларига бағишланган тақдирот билан таниди.

Бугун меҳнат миграциясига оид хизматлар тарқоқлиги, фуқароларни ортқиқа

сарсон-саргардонликка учраши долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Тақдиротда бу муаммони бартараф этиш мақсадида барча жараёнларни “ягона дарча” тамоилии асосида бирлаштириш белгиланди. Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида Хорижда ишга тайёрлаш маркази ва Термизда Ягона миграция хизматлари маркази очилиши режалаштирилгани эълон қилинди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Яшарноб туманида немис ва япон тиллари га ихтисослаштирилган замонавий ўқув

мактаблари ташкил этилиши ҳам миграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва фуқароларни малакали тайёрлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланди.

Бу ташаббусларнинг аҳамияти шундаки, замонавий дунёда фақат тил билиш етарли эмас; меҳнат маданияти, касбий этика ва глобал стандартларга тайёрлаш ҳам асосий талабга айланган. Шу нуқтаи назардан, ушбу марказлар ва мактаблар фуқароларимизни хорижий меҳнат бозорида рақобатбардош, малакали ва ўз салоҳиятига эга кадрлар сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Миграция нафақат иқтисодий жараён, балки инсоннинг шахсий ривожланиши, билим ва маҳоратини ошириш имконияти ҳамдир. Шу боис, давлатнинг бу йўналишдаги тизимли ишлари фуқароларнинг келажакдаги салоҳиятини ошириш, миллий иқтисодиёт ва жамиятнинг барқарор ривожига ҳисса қўшади.

Меҳнат миграцияси хизматларини рақамлаштириш ҳам энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Бугунги кунда “Хорижда иш” платформаси орқали 25 турдаги хизматлар тақдим этилади ва жорий йил бошидан 524 мингдан ортққ фуқаро ундан онлайн фойдаланган. Лекин хизматлар ҳали тўлиқ рақамлаштирилган эмас. Шу боис, тақдиротда давлатимиз раҳбари платформани сунъий интеллект билан бойитиш, биометрик идентификацияни жорий этиш, реал вақтда иш

ўринларини кузатиш ҳамда масофавий маслаҳат хизматларини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берди. Шунингдек, 24/7 режимда ишлайдиган ситуация марказ ташкил этиш таклифи қилинди.

Миграция жараёнида юзага келадиган хавфлар жиддий диққат талаб қилади. Соҳадаги баъзи шахсларнинг мўмайгина даромад ваъдасига ишониб, фирибгарлик қурбонига айланишлар учраб туради. Бундай ҳолатлар инсон ҳуқуқларининг халқаро майдонда камситилишига олиб келиши билан бирга ҳар бир давлатнинг янги чора-тадбирлар қўриши заруратини кўрсатади. Сўнгги йилларда юртимизда халқаро аэропортларда интерактив миграция инфоюсклари ўрнатиш, лицензиясиз консалтинг ташкилотларига нисбатан жарималарни ошириш ва ҳатто Жиноят кодексига ноқонуний миграцияни ташкил этиш учун жавобгарлик киритиш масалалари ўрганилмоқда.

Четга кетган ҳар бир ёш — юрт салоҳияти. Қайтган ҳар бир фуқаро эса янги билим, замонавий касбий стандартлар ва малакани олиб келади. Шу боис, меҳнат миграцияси жараёнлари давлат сиёсати билан биргаликда инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий ҳимоя ва инсоний қадриятлар мезонларига асосланиши шарт.

Сўнгги йиллардаги тизимли ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам фуқароларни юқори маошли ва расмий иш ўринларига йўналтириш, хорижий давлатлар билан ҳуқуқий шартномаларни кенгайтириш, меҳнат migrantлари учун хизматларни бирлаштириш ва рақамлаштиришдир. Бу ишлар нафақат иқтисодий фойда олиб келади, балки юртимизнинг глобал майдондаги образини мустаҳкамлаш, миллий салоҳиятини ривожлантириш ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан ҳам боғлиқдир.

Иш самарати билан деганларидек, ушбу ислохотлар босқини ўзини аллақандаш кўрсатмоқда. Бугунги кунда аксарият юртошларимиз Европа давлатлари, шунингдек, бошқа ривожланган мамлакатларда ишламоқда. Қувончлиси шуки, уларнинг аксарияти оғир меҳнат билан шугулланмай, балки интеллектуал ва касбий салоҳияти, малакаси орқали даромад топтомоқда.

Меҳнат миграциясини тартибга солиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали Ўзбекистон глобал меҳнат бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлайди, келажак авлодларга илғор тажриба ва барқарор иқтисодий имкониятлар қолдиради. Шу боис, миграция фақат ҳаракат эмас, балки давлат ва инсоннинг бир-бирига боғланган келажаги масаласига айланмоқда. Ўзбекистон эса бу йўлда қатъият билан ҳаракат қилиб, ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқ ва салоҳиятини ҳимоя қилиши устувор вазифа айлантирмоқда.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Нуқтаи назар



Наибохон МАМАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш
агентлиги директори
маслаҳатчиси

Бундай шароитда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг энг муҳим вазифаси хавфсизлиқни таъминлаган ҳолда, ортқиқа тўсиқларни камайитириш ва савдонини эркинлаштиришга хизмат қиладиган механизмларни яратишдан иборат. Илгариги амалиётда бир товарнинг икки давлатда икки қарра сертификатлаштирилиши, лаборатория синонларидан қайта-қайта ўтказилиши ортқиқа вақт ва харажатга сабаб бўлган бўлса, бугунги янгица минтақавий ҳамкорлик муҳити мазкур муаммони бартараф этиш учун зарур ҳуқуқий-техник асосларни шакллантирмоқда. Ҳозирги вазиятда “бир мамлакатда берилган сертификат иккинчисидан тан олинади” тамойилини жорий этиш имконияти реалликка айланмоқда ва бу нафақат савдонини энгиллаштиради, балки ишончли техник инфратузилманинг шаклланишига ҳам хизмат қиладди.

Техник регламентлар ва стандартларнинг уйғунлашуви, қўшма назорат тизимлари ва умумий сифат талаби стандартлари эса минтақа давлатларининг иқтисодий интеграциясида сифатли ва технологик пойдевор вазифасини бажаради. Бу йўналишда эришилган натижалар Марказий Осиёнинг саноат, савдо ва логистика

Уйғунлашаётган яхлит саноат тизими

Марказий Осиёда иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиб бориши минтақани янги босқичга олиб чиқмоқда. Минтақа мамлакатлари ўртасида бир неча йил аввал тасаввурга симаган даражада умумий саноат тармоқлари ишга тушмоқда. Яққа давлатнинг ички бозори билан чекланиб қолган ишлаб чиқариш имкониятлари трансчегаравий ҳамкорлик орқали янги қувватларга эга бўлмоқда. Қўшма корхоналар ва саноат кластерлари вужудга келмоқда. Маҳсулотнинг бир қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, иккинчи босқичи Қозғистонда тайёрланиши, тайёр маҳсулотнинг Қирғизистон орқали транзитда экспорт қилиниши каби замонавий кооперация занжирлари шаклланимоқда. Бу эса иқтисодий ўсишни тезлаштириш билан бирга бутун минтақа бўйлаб сифат меъёрлари ва техник талабларни уйғунлаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Айниқса, умумий саноат инфратузилмаси шаклланаётган шароитда стандартлаштириш



БАРЧА УЧУН ТЕНГ ҚОЙДАЛАР

ҲАММАГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

соҳаларидаги барқарор ривожланишини таъминлаб, уни глобал иқтисодиётга рақобатбардош ва уйғун иштирокчи сифатида шакллантирмоқда.

Сув-энергетика соҳасидаги қўшма лойиҳалар Марказий Осиёнинг стратегик барқарорлиги ва истиқболли тараққиётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Президентимиз мақоласида Қамбарота ГЭС-1, Зарафшон дарёсидаги гидротехник иншоотлар ва Амударё бўйича эришилган келишувлар минтақа давлатлари ўртасида мутлақо янги даражадаги ҳамжиҳатлик ва масъулиятли шериклик маданиятини шакллантираётгани таъкидланди. Бу каби йирик лойиҳалар оддий иқтисодий ёки энергетик аҳамиятга эга объектлар эмас, балки улкан ҳажмдаги муҳандислик ишларини талаб этувчи, хавфсизлик стандартларида ўта зарур, техник жиҳатдан мураккаб инфратузилма мажмуаларидир. Гидротехник иншоотлар барпо этилишида сув оқими динамикаси, босим, температура, тўғон қарқасига тушадиган юк, сув сатҳи ўзгариши, табиий хавф омиллари, сейсмик ҳолатлар каби кўплаб параметрларни ҳисобга олиш талаб этилади. Бундай иншоотларнинг барқарор ишлаши ва одамлар ҳаёти учун хавфсиз бўлиши нафақат миллий, балки минтақавий даражада ўта муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам бу лойиҳалар техник жиҳатдан тартибга солиш тизими учун янги авлод меъёларини, замонавий мониторинг технологияларини, юқори аниқликдаги метрологик ўлчаш воситалари ва муҳандислик стандартларини жорий қилишни талаб этмоқда.

Ҳар қандай ГЭС қурилишида аниқлик энг катта мезон. Сув сатҳини миллиметрлар даражасида ўлчайдиган замонавий датчиклар, энергия чиққиш қувватини реал вақт режимида ҳисоблайдиган интеллектуал ўлчаш модуллари, тўғон деворларига тушадиган босимни узлуксиз мониторинг қиладиган сенсорлар — буларнинг барчаси халқаро метрология талабларига тўлиқ мос бўлиши шарт.

Агар ўлчаш воситаларида хатолик юзага келса, бу бутун иншоотнинг эксплуатация хавфсизлигига, энергия чиқариш самардорлиги ва ресурслардан фойдаланиш оптималлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

соҳаси ҳал қилувчи ўринга чиқмоқда. Электротехника маҳсулотлари бўйича ягона стандартлар йўқ экан, бир мамлакатда ишлаб чиқарилган электр жиҳозини бошқа мамлакатда тўсиқсиз ишлайти бўлмайди. Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича умумий талаблар мавжуд бўлмаса, қўшни давлатга озиқ-овқат экспорт қилишда ҳал қар янги текширувлар ва қайта сертификациялаштириш талаб этилади. Қурилиш материаллари учун умумий нормалар бўлмаса, мамлакатлар ўртасидаги қўшма қурилиш лойиҳалари қийин кечади. Тўқимачилик маҳсулотлари учун ҳар хил техник регламентлар бўлса, минтақавий бренд яратиш ва уни хориқ бозорига олиб чиқиш қийинлашади. Автотранспорт воситалари хавфсизлиги бўйича стандартлар уйғунлашмаган бўлса, автомобиль қисмлари, агрегатлар ва умумий техник хизмат кўрсатиш инфратузилмаси самарасизлигича қолади.

Шу боис, техник жиҳатдан тартибга солиш тизими — Ўзбекистон техник жиҳатдан

тартибга солиш агентлиги тизими интеграция жараёнининг марказий таянчига айланмоқда. Бу тизим нафақат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқувчи идора, балки минтақа иқтисодий интеграциясининг техник асосини таъминловчи институтлар йиғиндиси. Улар стандартларни уйғунлаштириш, маҳсулот ва хизматлар хавфсизлигини таъминлаш, ўлчаш воситалари бирхиллигини кафолатлаш, лабораторияларнинг ўзаро тан олишини ташкил этиш орқали трансчегаравий саноат занжирларининг барқарор ишлашини таъминлайди.

Муҳим стратегик платформа

“Марказий Осиё плюс” форматлари минтақамиздаги давлатларни жаҳоннинг етакчи сиёсий ва иқтисодий марказлари билан тизимли, институционал ва барқарор мулоқотга ундаётган, стратегик аҳамиятга



Жараён

Мамлакатимизнинг қулай географик жойлашуви ва саноатнинг барқарор ривожланиши темир йўл транспортининг аҳамиятини янада оширмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда Ўзбекистон темир йўлларида улкан ўзгаришлар юз берди.

Бундан саккиз йил аввал юртимизда темир йўл соҳаси огир инқироз ҳолатида эди. Тармоқ жиддий капитал таъмир ва модернизацияга муҳтож, иқтисодий рентабеллик деярли мавжуд эмас эди. Кўп йўналишлар зарар билан фаолият юритарди. Кўрсатиладиган хизмат сифати жуда паст, инфратузилма эскирган, бу ҳолат, табиийки, бутун транспорт тизимининг изчил ривожланишига тўсиқлик қиларди. Қисқаси, темир йўл соҳаси аниқ режа ва тайинли чоралар кўрилмагани туйғайли инқирозга юз тутган эди.

Бугун темир йўл транспорти мамлакатимиз иқтисодиётининг энг замонавий, жадал ривожланаётган ва стратегик аҳамиятга эга тармоқларидан бирига айланди. Хусусан, юк ташиш ҳажмининг кескин ортishi миллий иқтисодиётга сезиларли фойда келтирмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва экспорт салоҳияти мустаҳкамланишига кенг йўл очмоқда.

Шу билан бирга, соҳада хизмат кўрсатиш сифати ҳам янги босқичга кўтарилди. Ҳаракат таркиби изчил янгиланмоқда. Вокзаллар ва станциялар замонавий қиёфа касб этмоқда. Соҳага илгор рақамли технологиялар жорий этилмоқда. Йўловчилар ва



юк жўнатувчилар учун ҳар жиҳатдан қулай, хавфсиз шароит яратилмоқда.

Айни пайтда стратегик аҳамиятга эга мазкур соҳа замонавий инфратузилма, аҳоли эктиёжлари ва иқтисодиёт тармоқларига мос ягона темир йўл тармоғига эга. Мамлакатимизда 7400 километрдан ортқиқ темир йўл тармоғи мавжуд. Улар орқали юк ва йўловчи ташиш хизмати барқарор амалга оширилмоқда. Республика ҳудудининг деярли барча йирик шаҳарлари, кўплаб аҳоли пунктлари темир йўл билан боғланган. Замонавий транспорт коммуникациялари ва юқори транзит салоҳияти туйғайли Ўзбекистон бугун Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғловчи халқаро темир йўл тармоғининг муҳим ҳалқасига айланди.

Фолд инвестиция сиёсати ва бизнес учун қулай шарт-шароитлар мамлакатимизнинг халқаро савдо йўллари кесилиган марказ, транспорт хаби сифатидаги мавқеини мустаҳкамлади. Шу боис, Ўзбекистонда янги

темир йўл тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Алоҳида эътибор транспорт логистика салоҳиятини янада кенгайтириш, ундан самарали фойдаланиш, янги транспорт йўлакларини диверсификация қилиш орқали тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятини кенгайтириш ва экспорт ҳажминини оширишга қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”и қарори соҳани ислох қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, тизимга хусусий секторни кенг жалб қилиш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳамда республиканинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш.

Айни пайтда йўловчи ва юк ташиш парклари янгиланмоқда. Темир йўл линиялари

тизимли равишда электрлаштирилмоқда. Бу хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, қатнов тезлигини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишдаги ўзгаришлар соҳанинг маъмурий бошқарув тизимидан иқтисодий рағбатлантиришга асосланган, технологик жиҳатдан мослашувчан моделга ўтишига имкон бермоқда. Шунинг учун ҳам бу борада белгиланган устувор вазифалар ижросига доимий эътибор қаратилиб, барча ишлар қатъий назорат қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳани чуқур трансформация қилиш ва тизимли модернизациялаш жараёнига катта туртки берапти.

Жорий йил 13 ноябрь куни давлатимиз раҳбарига темир йўл соҳасида бажарилаётган ишлар ва келгуси йиллар учун режалар тақдимот қилинди. Қайд этилганидек, темир йўл тармоғида бошланган кенг қўламли трансформация жараёни ижобий натижа бера бошлади.

эга янги дипломатик механизмлар сифатида тобора аҳамият касб этмоқда. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё — АҚШ”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Корея”, “Марказий Осиё — Япония” каби платформалар фақат сиёсий ёки хавфсизлик масалаларини эмас, балки техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, аккредитация ва сифат бошқаруви каби соҳаларни ҳам қамраб олмақда. Бу эса иқтисодий интеграция, савдо эркинлиги, метрологик янгиланиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг глобал бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим. Зеро, дунёдаги барча йирик бозорлар ва геоиқтисодий маконлар ўзига хос техник талаблар, стандартлар, хавфсизлик қоидалари, экология меъёёлари ва сифат индикаторларига эга. Марказий Осиёнинг тенг ҳуқуқли ва рақобатбардош иштирокчи сифатида глобал иқтисодий тизимга интеграцияланиши учун эса айнан шундай платформадаги ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бу форматлар доирасида рақамлаштирилган техник регламентлар йўналиши энг устувор ҳамкорлик нуқталаридан бирига айланган. Ушбу жараён техник ҳужжат айланмасини электрон тизимга ўтказиш, техник регламентларнинг ягона рақамли



Ўтган йилни тармоқ илк бор соф фойда билан якунлади. Жорий йилнинг тўққиз ойида соф даромад 800 миллиард сўмдан ошди. Транзит ва йўловчи ташиш, экспорт ва инвестиция ҳажми ўсиб бормоқда.

— Бутун олдимизда турган энг муҳим вазифа “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг трансформация жараёнини охирига етказиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар таннархини туширишдан иборат, — дейди транспорт вазир Илҳом Маҳмамов. — Айни мақсадда тизимда катта халқаро тажрибага эга компаниялар билан ҳамкорлик қилиняпти. Жорий йил якунига кўра, соҳада жуда катта соф фойдага эришиш кўзда тутилган. Бу натижа билан чекланмай, аҳоли сони ва иқтисодиёт ўсишига мос равишда темир йўл транспорти хизматларининг сифати ҳамда қамровини кенгайтириш, тармоқда харажатларни қисқартиришни давом эттириш зарур. Хизматлар таннархи туширилиши, албатта, иқтисодиётимизга ижобий таъсир кўрсатади.

платформаларини яратиш, сертификатлаштириш жараёнларини электрон амалга ошириш, лабораториялар ўртасида рақамли маълумот алмашинувини жорий этиш каби замонавий механизмларни қамраб олади.

Шу тариқа “Марказий Осиё плюс” форматлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислохотларни тезлаштирувчи, халқаро стандартларни интеграция қилишни энгиллаштирувчи, инновацион ечимлар жорий этилишини рағбатлантирувчи ва минтақанинг глобал иқтисодий тизимдан муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи стратегик майдон вазифасини бажармоқда. Ушбу платформалар орқали Ўзбекистон техник талабларини янгиллаш, сифатни ошириш, хавфсизлиқни таъминлаш ва рақобатбардошлиқни кучайтиришда жаҳон тажрибасини тўғридан тўғри ўзлаштириш имконига эга бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз таъкидлаган техник ҳамкорлик фақат иқтисодий эктиёж эмас, балки Марказий Осиёнинг узоқ мuddатли ривожланиш моделини белгилаб берадиган асосий стратегик йўналишидир.

Янги Марказий Осиёнинг иқтисодий архитектураси, саноат тармоқлари, трансчегаравий савдо йўлаклари, қўшма заводлар ва саноат кластерлари, умумий энергетика тизимлари айнан техник жиҳатдан тартибга солиш тизими устунилигида қурилади. Саноат кооперацияси ривожланиши учун маҳсулот сифатининг бир хиллиги, техник талабларнинг уйғунлиги, стандартлар ва сертификатларнинг ўзаро тан олиниши зарур. Бир мамлакатда ишлаб чиқарилган эктиёж қисм бошқа мамлакатдаги ишлаб чиқариш линиясига мос келиши, логистикадаги юк ташиш қоидалари умумий бўлиши, электротехника воситалари стандартлари бирхиллиги — буларнинг барчаси техник жиҳатдан тартибга солишнинг бевосита вазифаларидир. Агар стандартлар уйғунлашмаса, интеграциянинг техник пойдевори заиф бўлади ва савдо ҳамкорлигида қатор тўсиқлар юзага келади.

Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганидек, Янги Марказий Осиё — бу фақат сиёсий ва иқтисодий яқинлашув эмас, балки “янги сифат”, “янги стандарт”, “янги техник маданият” асосида барпо этилаётган улкан минтақавий макондир. Бу сифат эса фақат техник жиҳатдан тартибга солиш тизими орқали таъминланади. Техник жиҳатдан тартибга солиш — Марказий Осиёнинг техник пойдевори, унинг иқтисодий архитектурасини ушлаб турувчи “кўринмас устун”, хавфсизлик тизимини таъминловчи “этиборли қалқон”, саноат кооперациясига жон бағишловчи “механизм”, савдо тўсиқларини бартараф этувчи “қалит”, стандартлар ва сифат маданиятини ривожлантирувчи “драйвер” сифатида хизмат қилмоқда.

Президентимиз йирик инфратузилмавий лойиҳалар бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, мамлакатимизда 23 йўналиш бўйича аҳолига қулайлик яратиш вазифаси қўйилди. Бунда Тошкент вилоятини пойтахт, вилоят марказларини узоқ ёки зич жойлашган аҳоли пунктлари билан боғлайдиган электропоездлар ҳаракати учун темир йўллари қуриш лойиҳалари амалга оширилди.

Мазкур вазифаларни бажариш учун 151 километр янги темир йўл қурилади. 182 километр темир йўл электрлаштирилади. Шунингдек, 27 та станция ва 1000 километр йўл модернизация қилинади. Бу эса ҳар куни марказга қатновчи аҳоли учун катта қулайлик яратяпти.

Янги йўналишларни қуриш билан бирга ҳаракат таркибини кўпайтириш ҳам режалаштирилган. Жумладан, республика бўйлаб шаҳарлар атрофида қатнайдиган поездлар ҳаракатини фаоллаштириш мақсадида 40 та йўналишга қўшимча яна 15 та янги йўналиш очилади.

Шунингдек, жорий йил декабрдан бошлаб Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компанияси билан ҳамкорликда 6 та юқори тезликдаги электропоезд олиб келинади. Улардан биринчиси келгуси йили “Тошкент — Урганч — Хива” йўналишида қатновга қўйилади. Бу орқали йўналишда йўл вақти ҳозирги 14 соатдан 7,5 соатгача қисқаришига эришилади.

Ингилишда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича амалий ишларнинг бориши ҳам кўриб чиқилди. Президентимиз мазкур йўлнинг Марказий Осиёда транспорт боғлиқлигини ошириш ва мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини янада мустаҳкамлашдаги стратегик аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, қурилиш ишларининг сифатини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш устувор вазифалардан бири бўлиб турибди. Шу мақсадда юртимиз вакиллари 2021 йилда бошлангич синф ўқувчиларининг PIRLS, 2022 йилда 15 ёшли ўқувчиларга мўлжалланган PISA, 2023 йилда 4- ва 8-синфлар учун TIMSS, 2024 йилда эса ўқитувчи ва мактаб раҳбарларининг TALIS халқаро тадқиқотларида илк маротаба иштирок этди. Мазкур тадқиқотлар умумий ўрта таълим тизимини тўлиқ халқаро мезонлар асосида баҳолаш имконини бериб, бошқа мамлакатлардаги ўқитиш сифати билан солиштиришга замин яратди.



Сифат ва самарадорлик

ИШТИРОК ВА НАТИЖА

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ХАЛҚАРО ДАСТУРЛАРИДА ҚАТНАШИШ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бу йил ўқувчиларимиз PISA тадқиқотида иккинчи марта қатнашди. Шу тариқа Ўзбекистон халқаро тадқиқотларнинг кейинги босқичига қадам қўйди. Узоқ муддатли стратегик режаларга мувофиқ, PISA — 2025, PIRLS — 2026 ҳамда TIMSS — 2027 халқаро тадқиқотларида иккинчи маротаба иштирок этиш таълимдаги ўзгаришлар динамикасини кузатиб бориш, таҳлил этиш ҳамда зарурий қарорлар қабул қилиш учун қимматли маълумотлар олишга хизмат қилади.

Ун беш ёш — аини балоғат даври. Ўзини ҳар ишга қодир деб биладиган, қони жўш урган ўғил-қизларнинг қамолот палласи. Маълумотларга кўра, PISA тадқиқотининг пайдо бўлиши худди шу тоифадаги болаларнинг жамиятга ўз ўрнини топиши учун тайёр ёки тайёр эмаслигини синаб кўриш гоёси билан боғлиқ. Чунки бу ёшдаги аксарият ўқувчилар мажбурий таълимни тутатиш арафасида бўлади. Тадқиқотда асосий эътибор ўқиш, математик ва табиий-илмий саводхонлигини аниқлашга қаратилади. Албатта, билим даражасини аниқлашнинг бу усули янгиллик эмас. PISA тадқиқотида анъанавий тестлардан фарқли равишда, ўқувчиларнинг фақат фактларни эслаб қолиши эмас, балки PISA компетенциялари доирасида амалий фикрлаш, таҳлил қилиш ва турли манбалардан олинган маълумотларни тўғри талқин қилиш қобилияти баҳоланади.

Хуллас, PISA ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш халқаро дастури сифатида юзага келди. У Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти гоёси ва шу ташкилот томонидан бошқарилади. Бу тадқиқот 1997 йилда жорий этилган. Уч йилда бир марта (2025 йилдан тўрт йилда бир марта) ўтказиб келинаётган бу дастурнинг илк синовларида (2000 йилда) 32 давлат ўқувчилари қатнашган. Ҳозирга келиб иштирокчи мамлакатлар сони 90 дан ошди. 2000 йилда ўқиш саводхонлигига ургу берилган. Ҳар



гал битта фан йўналишига устувор эътибор қаратилади. Мақсад — ўқувчиларнинг ёд олган билимини эмас, балки уни ҳаётда қўлай олиш, муаммолни вазиятларда қарор қабул қила олиш қобилиятини текшириш. Шу маънода, PISA ўқувчиларнинг катта ҳаётга тайёргарлиги бўйича билим ва кўникмаларни баҳолайди.

PISA тадқиқоти давлатлар учун таълим тизимининг кучли ва заиф томонларини аниқлашда муҳим омилдир. Яъни ўқитиш тизими қандай ривожлангани ва қайси жиҳатларни кучайтиришга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида қимматли маълумот беради. Унинг

тадқиқотлари таҳлили асосида мамлакатлар таълим сиёсатини қайта кўриб чиқаётгани фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, 2022 йилда илк бор PISA синовларида қатнашган 15 ёшли ўқувчиларимиз кутилган натижага эриша олмагач, Ўзбекистон ўқитиш тизимида янги давр бошланди. Таълим дастури, дарсликлари янгилаш туста тизимли ишлар қилиняпти.

PISA — 2025 тадқиқотида тасодифий танлаб олинган 233 та мактабдан 15 ёшли 8655 ўқувчи иштирок этди. Тадқиқот натижалари 2026 йилда эълон қилиниши режалаштирилган.

Тўғри, биринчи тадқиқотда ўқувчиларимизнинг олган билимини амалиётда қўллаш кўникмаси унча яхши шаклланимаган, ҳатто, айримлари-нинг компьютерда ишлаш кўникмаси ҳам етарли эмас эди. Бу сафар ўқувчиларимиз ҳам техник, ҳам илмий жиҳатдан ривожланган. Саволларни ҳам ўзига ишонган ҳолда ечганига гувоҳ бўлдик, — дейди Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ректори, PISA тадқиқотининг Ўзбекистондаги миллий лойиҳа менежери Абдували Исмоилов. — Биринчи босқичда барча мактаб рўйхати шакллантирилади ва улар турли тоифаларга ажратилади. Шундан сўнг халқаро PISA стандартлари асосида мактаблар танланади. Танланган мактабларда эса иштирокчилар (ассосан 15 ёшдаги ўқувчилар) ҳам тасодифий усулда аниқланади. Бу жараён ҳар бир ўқувчининг тадқиқотда иштирок этиш имконияти тенглигини таъминлайди. Мазкур методика PISA натижаларининг халқаро солиштиришлар учун ишончли, статистик жиҳатдан мустаҳкам ва миллий таҳлилларда қўллашга муносиб бўлишини кафолатлайди. Аслида, PISA тадқиқотида иккинчи маротаба иштирок этиш мамлакатимиз учун катта натижа. 2030 йилгача ушбу тадқиқотда уч марта қатнашган давлатлар қаторига кириш режалаштириляпти. Келгусидаги

натижаларда Ўзбекистоннинг кўрсаткичи юқори бўлиб, ривожланиш тенденцияси сақланиши ва яхшиланишига умид қиламиз. Зеро, бунинг учун қатор ишлар бажариляпти. Биринчи навбатда, ўқитувчилар малакасини оширишга эътибор берилди. Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ҳамда 13 та ҳудуддаги педагогик маҳорат марказлари фаолияти трансформация қилинди. Янгича малака ошириш жараёни жорий этилди. Хорижий илгор тажриба асосида 11 та фан бўйича “Касбий ривожланиш кўни” ва “Касбий ривожланиш соати” тадбирлари ташкил этилиб, 467 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилмоқда.

2024 йилда Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти таркибиде Халқаро тадқиқотлар маркази очилди. Марказда PISA ва бошқа тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш доирасида муаллимлар малакасини ошириб бориш, ўқувчилар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ва олинган натижаларни чуқур таҳлил этиб, таълимни янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби ишлар бажариляпти.

TALIS тадқиқотлари натижаси ҳам мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки у ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши, педагогик амалиёт сифати ва таълим сиёсати самарадорлигини баҳолашда асосий манба бўлиб хизмат қилади. TALIS тадқиқоти натижаларига кўра, Ўзбекистондаги педагоглар нисбатан ёш таркибга эга: уларнинг ўртача ёши — 39 ёш.

Кейинги йилларда ёруғ келажакка интилиш учун нажот фақат таълимда экани умуммиллий ширимизга айланди. Энг яхши инвестиция таълимга киритилган сармоя экани ҳақидаги тушунча ҳам бугун жамиятнинг тафаккурига яхши ўрнашди. Шу боис, иқтисодий ривожланишнинг орқали мамлакатимизнинг дунёдаги мавқеини мустаҳкамлашда ҳам сифатли таълимга таянляпти.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янгича ёндашув



“ҲУҚУҚИЙ МАҲАЛЛА” — ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Учкўприк тумани “Тожиқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Маманазар ота Саидумаров oilаси 2018 йилда якка тартибдаги тадбиркор сифатида деҳқон хўжалиги ташкил қилди. Белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлаб борган деҳқон хўжалигига негaдир 2020 йилда солиқ идоралари томонидан бир дунё норeал қарздорлик ҳисобланди. Маманазар отанинг хуноби ошди. Энди oғзи oшга етганда дуч келган муаммога адолатли ечим топиш учун кўплаб идораларга борди, самараси бўлмади. Шундан сўнг масалага қонуний ечим топиш юзасидан туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Ниҳоят унинг “бош oғриғи”га барҳам берилди.

— Меҳнат фаолиятим билан боғлиқ иш хўжатларим йўқолгани сабаб икки йилдан буюр нафақага чиқа олмаётган эдим, — дейди Ўзбекистон тумани “Кўрғонча” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Одинахон Ҳамдамова. — Маҳалламизга Ўзбекистон тумани адлия бўлими ходимлари келиб, ҳуқуқий маслаҳатлар бераётганидан хабар топиб, уларга мурожаат қилдим. Барака топишсин, манфаатимни кўзлаб адлия бўлими Фарғона туманлараро маъмурий судига ариза киритди. Суднинг 2025 йил 10 октябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилди ва менга кексалик нафақаси тайинланди.

Фарғона шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида уйма-уй ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш давомида яна бир масала ҳал этилди. “Барака фэйз инвест” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси ўртасида пузрат шартнома тузилган. Унга мувофиқ, “Барака фэйз инвест” МЧЖ тегишли қурилиш ишларини бажарган. Шундан сўнг буюртмачи, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси бажарилган ишни қабул қилиши ва хизмат ҳақини тўлаши керак эди. Аммо улар тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган. Бу тадбиркорнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Адлия бўлими мутасаддилари тадбиркор, “Барака фэйз инвест” МЧЖ манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Фарғона туманлараро иқтисодий судига қарздорликни ундириш учун давво аризаси киритди. Судда тадбиркор манфати ҳимоя қилиниб, “Барака фэйз инвест” МЧЖ фойдасига 263 миллион 257 минг сўм қарздорлик ундирилди.

— Президентимиз 2024 йил 24 май кунини “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги фармонини имзолаган эди. Унга кўра, “Ҳуқуқий маҳалла” лойиҳаси доирасида адлия органлари маҳаллаларга тушиб, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини аниқлаши ва бартараф этиши кўзда тутилган, — дейди Фарғона вилояти Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Фарҳод Ашматов. — Шу кунга қадар лойиҳа доирасида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида 52 мингдан ортиқ, соғлиқни сақлашда 20 мингга яқин ҳамда уй-жой ва кадастр хўжатларини расмийлаштириш борасида 10 минг 855 та муаммо ўрганилди. Уларга қонуний ечим берилди. Аниқланган ҳолатлар бўйича давлат идора ва ташкилотларига 416 та тақдирнома киритилди. Фуқаролар фойдасига қарийб 3 миллиард сўмдан ортиқ турли тўловлар ундириб берилди. Солиқ ва пенсия идоралари билан ҳамкорликда 500 дан зиёд шахсга солиқ имтиёзлари қўлланилди.

Фарғона вилоятидаги 19 та туман ва шаҳарда жорий йилнинг январь-сентябрь ойида 171 та маҳаллада “Ҳуқуқий маҳалла” лойиҳаси амалга оширилди. Жараёнда 144 мингдан ортиқ қонадондан 131 мингтаси уйма-уй юриш эвзига ўрганилди. Натижада аҳолида 152 мингдан ортиқ ҳуқуқий муаммо борлиги аниқланди ва бир қанчаси мақом доирасида тезкор ижобий ҳал этилди.

Президентимизнинг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида “давлат органлари ва бошқа



бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори давлат бюджетидан, давлат бюджетидан ажратилмаган бўлса, ушбу ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳодим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади”, деб кўрсатилган.

Рустамжон Аҳмедов Марғилон шаҳри мактабгача ва мактаб таълими бўлимида рақамлаштириш бўйича услуби лавозимида ишлайди. Унга бир йилдан ошқ вақт мобайнида ушбу фармонда белгиланган устама тўлаб берилмаган. Ушбу ҳолат Марғилон шаҳри адлия бўлими аралашуви билан суд тартибиде ижобий ҳал этилди. Фуқаро фойдасига 62 миллион 568 минг сўм устама тўловлари ундириб берилди.

Адлия ходимлари уйма-уй юриб, маҳалла аҳолиси билан юзма-юз мулоқот қиялпти. Улар фуқароларни қийнаётган муаммоларни ўрганмоқда. Аниқланган масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Аини пайтда сўрвномалар орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси таҳлил қилиняпти. Натижага қараб уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида семинарлар, очик мулоқотлар ва тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, “маҳалла еттилиги” методик қўлаб-қувватланмоқда. Бу каби тизимли ишлар натижа-сида фуқароларнинг ҳуқуқий муаммолари тезкор ва ҳолис ҳал этиляпти. Қувонарлиси, жойларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олди олинмоқда.

Шунингдек, вилоят маҳаллаларида 22 минг фуқарога сайёр тартибда давлат хизматлари кўрсатилди. Унда 5 мингдан ортиқ аҳолининг маълумотлари олинди, ФХД база-сидан уларнинг яқин қариндошлари билан исм-фамилияси мослиги текширилди. Жараёнда 2 минг 92 фуқарога бепул юридик ёрдам кўрсатилди. “Ҳуқуқий маҳалла” концепция-си амалга оширилаётган маҳаллаларда яшаб вафот этган ва уларнинг номидаги мол-мулк меросхўрларига ўтказилмагани сабаб 898 та мерос иши очилди.

Лойиҳа доирасида ана шундай кўплаб ҳуқуқий масалалар ҳал этилмоқда. Шу билан бирга, бундай тушунмовчиликлар яна рўй бермаслиги учун юрtdошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошириляпти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ — ЖАМИЯТГА ҚЎШИЛИШ КАЛИТИ

Сирожиiddин Бурҳониддинов 2015 йилда туғилган. У Нукус шахри Алтин жағис маҳалласида яшайди. 7 ёшигача Нукус шаҳридаги “Имкон” реабилитация марказига эга кўп тармоқли мактабгача таълим ташкилотида тарбияланган. Кейинроқ 7-8 яшарлигида даволангани сабаб мактабга бормаган.

Ниҳоят Сирожиiddин 2024-2025 ўқув йилида психологик, тиббий-педагогик комиссия хулосасига асосан Нукус шаҳридаги 51-мактабнинг 1-синфига қабул қилинди. Ҳозир шу мактабнинг 2-синфиде инклюзив таълим асосида ўқишни давом эттирмоқда. Таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлишига қарамай, ўз тенгдошлари билан бирга ўқиб, ўрганмоқда. Шунингдек, янги дўстлар топишга ҳам улгурди. Ўқитувчилар таъкидлашича, Сирожиiddин жуда фаол, ўқишга қизиқувчан ва жамиятга тез мослашмоқда. — Сирожиiddин мактабга келганидан кейин ўзгарди, — дейди махсус педагог Муҳаббат Бегдуллаева. — Илгари у тортинчoк эди. Ҳозир эса синфда фаол, шеър ёздайди, расм чизади. Кўзларида ишонч пайдо бўлган.

Қаҳрамонимиз эса Президентимиз билан учрашиб, миннатдорлик билдиришни орзу қилади. — Яхши ўқиб, катта одам бўламан. Президентимизга раҳмат айтаман. Чунки у киши менга ўқиш имкониятини берган, — дейди болакай самимий табассум билан.

Инклюзив таълим туфайли 10 яшар Сирожиiddин каби болаларнинг орзуси ушалмоқда. Улар ҳам бошқа тенгдошлари каби олга интилиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланыпти.

Шу боис, инклюзив таълим фақат ногиронлиги бўлган болаларни мактабга жойлаштириш эмас, балки жамият онгини ўзгартириш жараёнидир. Ҳар бир болага меҳр билан ёндашиш, қобилиятига ишониш ва имконият яратиш — ҳақиқий инсонпарварлик белгиси.

Жамиятдан ташқарида, тўрт девор ичиде яшайдан оғир бўлмаса керак. Нукуслик Нуржамал Сейтанова ҳам ана шундай синовлар ичиде қолши мумкин эди. Шукрки, яратилган имкониятлар болаларнинг ёлғизланиб қолишига йўл қўймади. 2018 йилда туғилган Нуржамал Нукус шаҳридаги 4-мактабга ўқишга қабул қилинди.

Енгил даражадаги ақлий заифлиги бўлган қиз тенгдошлари қатори таълим олмақда. Махсус педагог ёрдамида синфга тез мослашди. Ўқитувчилар унинг қизиқиш ва имкониятларини инобатга олиб, дарсларни ўзлаштиришга ёрдам берапти. Натижада Нуржамал синфдошлари билан дўстлашиб, айрим сўзларни талаффуз қила оладиган даражага етди. Бундан қаҳрамонимиз ҳам, яқинлари ва устозлари ҳам бирдек хурсанд.

— Бу йўналишда қилинаётган ишлар натижасида Қорақалпоғистондаги 118 мактабда 208 та инклюзив синф очилган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳузуридаги психологик, тиббий-педагогик комиссия раиси Рашид Раҳимов. — Ушбу

синфларда ногиронлиги бўлган 261 бола тенгдошлари билан бирга таълим олмақда. Улар учун махсус педагог штати очилган. Бу болаларнинг мактабга тез мослашуви, шахсий қизиқиш ва имкониятларига асосан дарсларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Албатта, ногиронлиги бўлган болаларни мактабга қабул қилишининг ҳам тартиб-қоидаси бор. Унга кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳузуридаги психологик, тиббий-педагогик комиссия бола-нинг рухий, жисмоний ва интеллектуал ҳолатини ўрганади. Хулосага қараб, унинг имкониятига мос таълим шаклини белгилаб, мактабга йўланма беради.

Ногиронлиги бўлган болалар мактабда қийналмай ўқиши, билимларни яхши ўзлаштириши учун таълим муассасаларида махсус шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, мактаблар пандуслар, махсус жиҳозлар билан таъминляняпти, индивидуал ўқув режалари, логопед ва дефектологлар хизмати йўлга қўйляпти. Бу йўналишдаги ишлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида изчил давом эттирилмоқда.

Бугун Қорақалпоғистонда ногиронлиги бўлган 69 минг 847 шахс рўйхатга олинган. Шундан 10 минг 730 нафари болалар. Улар учун реабилитация, таълим ва тиббий хизматлар тизимли равишда кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 3-18 ёшли 9907 боладан 7471 нафари таълим муассасаларига қамраб олинган.

Бундай тааббуслар туфайли минглаб болалар ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Улар жамиятнинг фаол аъзолари сифатида улғаймоқда. Бу мамлакатимиздаги ижтимоий ислохотларнинг энг катта ютуғидир.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири





ИПАК ЙЎЛИ ЮРАГИДАГИ МАДАНИЙ РЕНЕССАНС

**Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

“Қалблар дардига дармон” номли ушбу улкан экспозиция аънанавий ҳунармандлик меҳри билан бутунги замонавий санъатнинг ёрқин изланишларини бир жойга жамлаб, улар орасида ўзига хос “маданий портал” ҳосил қилди, янги маъно қатламларини юзага чиқарди.

Шаҳар аҳолиси ва таширф буюрувчилар ижодий учрашувлар, гастрономик намойишлар, маҳорат дарслари, мусиқий чиқишлар ва расомларнинг инсталляциялари сингари ёрқин тадбирлар орқали кўҳна ҳудудни янги маданий ўлчамларда кўра бошлади.

Ҳўш, бу жараён бизга қандай тажрибалар қолдирди, халқаро фестивалнинг бош ғосси нима эди? Келинг, унинг шаҳар учун аҳамиятини кўргазмаларнинг меъморий хусусиятлари, тақдир этилган санъат асарлари орқали тушуниб, ҳақсиз қиламиз.

Янги импульс

Биенале, қисқача айтганда, ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган халқаро кўргазма. Биеналелар замонавий ва амалий-безак санъати, архитектура, музей, китоб биеналелари ва бошқа кўлаб турларга бўлинади. Ушбу формат дастлаб 1895 йилда Венецияда пайдо бўлган.

2021 йил Венецияда архитектура ва санъат оламида кенг кўламли тадбир — XVII Халқаро меъморлик биеналеси Ўзбекистон ўзининг “Маҳалла: шаҳар ва қишлоқ ҳаёти” деб номланган миллий лойиҳасини тақдим этган эди. Бу Ўзбекистоннинг Венеция архитектура биеналесидан биринчи марта иштирок этиши эди. Миллий павильонимиз биеналенинг асосий жойлари — Арсенал ва Гиардини чорраҳасида, мезон Италия павильони билан ёнма-ён жойлашган эди. Мана, орадан кўп ўтмай, ушбу катта кўламли халқаро тадбирга мамлакатимиз ҳам мезбонлик қилди.

Бухоро биеналеси комиссари, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамағармаси раиси Гаянэ Умерованинг айтишича, Бухоро биеналеси ғосси Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамағармасининг шаҳарнинг тарихий қисмини қайта тиклаш бўйича кенг қамровли дастури доирасида туғилган.

— Биз дунёнинг турли манзилларидан келган ажойиб ижодкорлар, мутафаккирлар ва меҳмонларни юртимизда қўришдан, ёрқин маданият ва бой меросимиздан баҳраманд бўлишга таклиф этишдан бундан кейин ҳам тўхтамаймиз, — дейди Гаянэ Умерова. — Ўзбекистонлик рассом, дизайнер ва ҳунармандлар асарларини хорижда тарғиб этиш бўйича жамағарма қилган кенг қамровли ишларга асосланиб, мамлакатимизда илм бор йирик халқаро биеналени ўтказганимиздан фахрланамиз. Кўп асрлар



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюнани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
34685 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаххас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй